



100 китоб  
түплами

# ГОЛУБИКА ЕТИШТИРИШ



**40-китоб**

**AGROBANK**

100 китоб түплами

# ГОЛУБИКА ЕТИШТИРИШ

40-китоб



УЎК 634.739.1

КБК 42.35

Г 66

### **Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: "Агробанк" АТБ**

#### **Тузувчилар:**

И. Намазов – Тошкент давлат аграр университети Мевачилик ва узумчилик кафедраси доценти қ.х.ф.ф.д.

С.А. Юнусов – Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси доценти қ.х.ф.д.

#### **Тақризчилар:**

М.М. Якубов – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти "Мева экинлари агротехникаси ва интенсив боғдорчилик" бўлими мудири қ.х.ф.н

**Лойиҳа иштирокчилари:** У.Ф. Файзулаев, М.С. Ҳайитбоев

#### **Муҳаррир:**

Г.А. Чоршанбиева – Шарқшунослик университети таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси, таржимон.

Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ муассислигига тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хуоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида "Агробанк" АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

### **Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ тұхфасидир**

© "Агробанк" АТБ – 2021

© Нашриёт уйи "Тасвир" – 2021

© "Colorpack" МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7169-6-4

## I МУНДАРИЖА

Кириш.....	7
Голубиканинг географик тарқалиши ва морфологияси.....	8
Голубиканинг таркиби ва шифобаҳшлиги.....	13
Голубика етиштириш технологияси.....	16
Тупроқ аралашмасини тайёрлаш.....	16
Тупроқ ишқорийлигини созлаш.....	19
Голубика қўчатларини етиштириш усуллари.....	23
Касалликка ва зааркунандаларига қарши курашиш.....	36
Ҳосилни йиғиб олиш ва қайта ишлаш.....	42
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	44

## I КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги ПҚ-4549-сон, «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида»ги қарорида мамлакат қишлоқ ҳўжалиги экинлари таркибини диверсификация қилиш, фермер ва дехқон ҳўжаликлари, томорқа эгаларининг даромадини ошириш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулот етиштириш ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш мақсадида сабзавотлар турини кўпайтириш ва етиштириш технологияларини жорий этиш вазифалари белгиланган. Шу билан бирга аҳолининг озиқланишида сабзавот маҳсулотлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва шу сабабли республикада ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хозирги экологик вазиятда аҳоли организмини тиклашнинг ягона усули бу экологик фаол моддалар ва антиоксидантлар каби ҳимоя омиллари билан озиқ-овқат истеъмол қилиш, бу омилларга энг бой бўлган ва бизни ҳимоя қиласиган танамиз учун бебаҳо бўлган маҳсулотлар киради.

Ўзбекистон мева-сабзавот ишлаб чиқаришда улкан имкониятларга эга. Аҳоли фаровонлигини доимо ошириб бориша халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ ҳўжалигига юкори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Мавжуд

салоҳиятимизни тұлиқ ишга солишимиз, унга яраша катта даромад олишимиз зарурлигини инобатта олган ҳолда сұнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳа юқори шиддат билан ислоҳ қилинмоқда.

Бугунги кунда дунё бозорларида гилос, ўрик, олхұри, анор, узум, бодом, цитрус ва резавор мевалар каби маҳсулотларға талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Голубика жуда ҳам фойдалы ва мазали резавор мева, таркибида күп миқдорда қимматбаҳо витамин ва минераллар мавжуд. Қанд ва органик кислоталар пектин ва ошловчи моддалар билан биргалиқда голубика меваларининг ўзига хос таъмини ҳосил килади. Бундан ташқари, улар иштаха очувчи бўлиб, ошқозон ва ошқозон ости бези шираси ишлаб чиқаришини кучайтиради, ичаклар (перистальтикаси) ҳаракатини рағбатлантиради. Голубика таркибидаги пектин моддалар ошқозон-ичак касалликларини даволашда, ҳамда одам организмига радиоактив ва оғир металлар тушиш эҳтимоли бўлган заарарли ишлаб чиқаришларда профилактика чораси сифатида қабул қилиш имкониятини беради.

## **I ГОЛУБИКАНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА МОРФОЛОГИЯСИ**

Оддий голубика (*Vaccinium uliginosum*) Верескдошлар (*Ericaceae*) оиласи, Вакциниум туркумига киритилган баргини тұқувчи бута үсимлик ҳисобланади. Бу үсимлик биологик хусусиятларига күра черника ва бруслика үсимликларига яқин үсимликдир. Бу үсимлик шимолий ярим шарнинг

мұтадил ва совуқ иқлимли миңтақаларда кенг тарқалған.

Ассоан үрмон худудида ботқоқланған майдонларда, төгларнинг юқори қисмидә үсади. Голубика ареали Исландия ва Буюқ Британиядан бошлаб Узоқ Шарқ ва Япониягача бұлған бепоён кенгликларни қамраб олған. Голубика ареали Испания, Италия, Туркия ва Болқон ярим ороли мамлакатларигача чўзилған.


Шимолий Америкада голубика ареали Аляскадан тоқи Ньюфаундлендгача (Калифорния жануби) чўзилған. Голубика табиатда дарё ва жилғалар ёнида алоҳида бута шаклида, баъзан бир неча квадрат километр майдонда бутазорлар куринишида ўсиши мумкин.



Оддий голубика (*Vaccinium uliginosum*)

Табиатда баландлиги 30-50 см ли сершох бута, баъзан ор багирлаб ўсувчи шохлари бўлади. Голубиканинг черника ўсимлигидан фарқи, унинг новдалари учки қисмигача оччоплашуви кузатилади. Черникага жуда ўхшаш, ундан оч

тусдаги новдалари ва мевасидаги гулұрғын шакли билан фарқланади. Голубика мева шарбати рангиз, черника шарбати бұлса қызғиши-бинафша рангда. Илдиз тизими попуксимон. Қизиқарлы томони шундаки, илдиз түкчалари йүк, тупроқдаги озик моддалари микориза усулида (бактериялар ёрдамида) үзлаштирилади. Барлары 3 см узунликта, тескари тухумсимон, чүзинчоқ. Күзде барлары қызғиши рангга киради ва түкилиб кетади. Мевалари узок вакт қиши даврида новдаларыда түкилмасдан сақланади. Меваси күк-зангоро, мовий, 1,2 см диаметрга эга мева эти бинафша рангда.



Голубика мевалари

Голубика меваси янги терилған ва қайта ишланған ҳолда истеъмол қилинади. Голубика мевасидан мураббо ва вино тайёрланади, одатда голубика мевалари черника, клюква, брусника мевалари билан аралаштирилған ҳолда

ишлатилади. Бута кўринишида ўсади ва ҳозирги кунда иқлими мос келган давлатларда саноат миқёсида экиш даромадли бизнеслардан ҳисобланади.

Голубика навларининг кўчатлари бута шаклида, баландлиги бир метр атрофида бўлади. Голубика плантациясида кўчатлар олти йил парваришилангандан сўнг голубика меваларининг ҳосилдорлиги ҳар бир бутадан 5 кг гача олинади.

Голубика буталари гуллаш даврида  $-7^{\circ}\text{C}$  гача совуқда сезиларли даражада ҳосилдорликка зарар етказмасдан тидаиди. Шунинг учун баҳорда уларни ҳимоя талаб килинмайди. Узун бўйли голубика буталари  $-23-25^{\circ}\text{C}$  гача (бази навлари  $-27-30^{\circ}\text{C}$  гача) ҳеч қандай зарар кўрмасдан, совуккі бардош беради. Шунга қарамасдан, кўчатлар ости мульчаланмаган бўлса, қорсиз совуқ қиши кунларида тана ва илдизларининг музлаш эҳтимоли бор.

Мульчалашда бута тупининг атрофига радиуси 0,5 м ва калинлиги тахминан 10 см ҳолатда мульча материали (сомон, похол, қипик ва ёғоч қириндиси, куриган барглар) билан топланади. Қаторларга экилган голубика буталари 60-80 см кенингликда мульчаланади.

Аҳоли томорқаларида, қиши кириши олдидан буталарни похол, сомон арқонлар билан ўраш ёки тўшама, қанор, бўз ва бошқа табиий материаллар билан беркитиш мумкин (пластиклар ишлатмаган ҳолда).

Катта плантацияларда буталарни беркитишнинг иложи шунинг учун плантация атрофида ихота дарахтларини қиши бўқали совуқ шамолдан ҳимоя тўсифини ташкил этиш ва бута новдаларининг яхши пишиб етилишини таъминлайдиган агротехник тадбирларни амалга ошириш лозим. Куртакларининг муддатидан олдин ниш уришига

олиб келмаслиги учун кузда ва айниқса, гуллашдан кейин буталар остида азотли ўғитларнинг юқори дозалари қўлланилмаслиги керак.



Голубика плантацияси

Голубика меваси жаҳон бозорида энг қиммат резаворлардан бири эканлиги инобатга олинса, транспорт воситаси орқали узоқ юртларга етказишда логистиканинг қимматлиги, уни Ўзбекистондан бошқа мамлакатлар бозорларига етказиб беришда қийинчилик туғдирмаслиги керак. Бундан ташқари, иклиmlарининг мослиги билан голубикани етишириш даври Испания билан уйғунлашиши мумкин.

Ўзбекистонда етишириладиган голубика меваси ҳозирги кунда юртимизда энг қиммат бўлган гилос етиширишдан ҳам жозибали ва даромадли бизнесга айланиши, шубҳасиз истиқболли бўлиши мумкин.

Шунга қарамай, бу ҳақда ҳозиргача фақат назарий жиҳатдан гаплашиш мумкин, чунки бу қиммат баҳо мевани етишириш, сақлаш, чуқур музлатиш, ташиш ва сотиш технологиялари тўғрисида билим ҳамда тушунчанинг

етишмаслиги Ўзбекистон учун энг муҳим муаммо ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, голубика мевалари дунё буйлаб энг кўп импорт қилинадиган резавор мевалар сирасига киради. Ўзбекистонда голубика мевасини қўлда йигиб олиш учун ишчи кучлари етарли бўлгани сабабли, мамлакатимиздаги қишлоқ аҳолиси учун ушбу резавор мевали боғ экинини плантацияда ўстириш ва етиштирилган меваларини анча юқори нархларга сотиш орқали катта даромадлар олиш имконини беради. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида голубика ўстириш учун имкониятлар кенг ҳисобланади.

## I ГОЛУБИКАНИНГ ТАРКИБИ ВА ШИФОБАХШЛИГИ

Голубика жуда ҳам фойдали ва мазали резавор мева, таркибида кўп миқдорда қимматбаҳо витамин ва минераллар мавжуд. Голубика мевалари таркибида 8% гача қанд моддалари, 2,7% гача органик кислоталар, 0,6% гача пектин моддалар, 1% гача оксил, 1,6% гача клетчатка, 63 мг % гача С, 0,02 мг % гача В1, 550 мг % гача РР витаминлар, 0,25 мг % гача каротин бор.

Голубика мевалари физиологик фаол бўлган фенол бирикмаларига бой. Флаваноллар (биофлаваноидлар), Р витамин каби таъсир этувчи моддалар қон томир-қапиллярларининг ўtkазиш хусусиятларини яхшилади, томирлар эластиклиги ва мустаҳкамлигини оширади, С витаминининг ўзлаштирилишига ёрдам беради, оксидланиш-тикланиш жараёнида иштирок этади, баъзи ишчи секреция безлари ишини бошқаради (биринчи ўринда,

қалқонсимон безнинг). С витамини билан бир пайтда қабул қилингандага уларнинг таъсири самараси янада ошади.

Бу моддаларнинг баъзилари спазмни (қисилиш бўшаштириш хусусиятига эга, атеросклероз ва яллиғланишга қарши таъсири бор. Сунгги пайтларда бу гурух моддаларининг баъзи турлари ўсмаларга қарши таъсири борлиги исботланган.

Биофлавноидлар ионизация нурланишидан ҳимоялади. Р-витамин каби таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилиш атеросклероз, гипертония касалликлари, капилляртоксикоз, ревматизм, ангинава қон капиллярлари етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган бошқа касалликларда самаралидир. 100 г голубика мевасида 3500 мг антоцианлар ва лейкоантоцианлар, 270 мг га яқин катехинлар ва 200 мг флаваноллар бор.

Голубика меваларининг турли физиологик хусусиятларга эга бўлган тритерпен бирикмалари манбалари сифатида ҳам афзалликлари бор: Фенол кислоталар (хлороген, кофеин ва бошқалар). Уларнинг ўт ҳайдовчи, сийдик ҳайдовчи, капилляр мустаҳкамловчи ва қисман яллиғланишга қарши таъсири бор. Ўртача олганда 100 г мевасида 150-300 мг хлороген кислоталар ва 300-340 мг тритерпен кислоталар мавжуд.

Бундан ташқари, голубика меваларида филлохинон (витамин К) катта миқдорда аниқланган: 100 г мевасида – 0,26-0,32 мг. Инсон ва жониворлар организмида филлохинон етишмовчилиги фосфор оксидланишига салбий таъсир ўтказади, бу эса ўз навбатида қатор оқсилларнинг, хусусан ошқозон-ичактрактидаги оқсилларнинг синтези бузилишига олиб келади. Филлохинон организмда яна бир муҳим вазифани бажаради – препротромбиннинг протромбинга

айланишида, яъни глютамин кислота қолдиқларининг модификацияланиб (узгариб) қон ивиши факторига айланишида иштирок этади.

Шунингдек, голубика меваларининг атеросклерозга қарши ва липотроп моддаларнинг, яъни ярага қарши таъсир түрчи бетаиннинг, муҳим манбай эканлиги аниқланган. Янги терилган голубиканинг 100 грамм мевасида 210 мг дан 510 мг гача бетаин моддаси мавжуд. Макроэлементлардан натрий 6 мг % гача, калий 51 мг % гача, кальций 16 мг % гача, магний 7 мг % гача, фосфор 8 мг % гача бор; микроэлементлардан: томир 17 мг % гача, шунингдек, кичик микдорда кобальт, йод, мис, ванадий ва бошқалар бор. Уруғларида 32% гача ёғлар, барғларида 10% гача танин тўпланади.



Голубика мураббоси

Голубика ҳам ҳалқ табобатида, ҳам расмий тиббиётда қўлланилади. Янги терилган мевалари цингага қарши кучли восита бўлиб, ошқозон секрециясини ва ошқозон ширасининг ҳазм килиш кучини оширади. Ошқозон катари, энтероколит, пневмитда тавсия этилади.

Ҳалқ табобатида ёш баргли шохларининг қайнатмаси юрак оғриғида, мевалари дизентерияда, баргларининг қайнатмаси юмшоқ ич сурувчи сифатида қўлланилади Эркаклик қувватининг оширилишига ёрдам беради.

Булардан ташқари, голубика меваларининг энг муҳим хусусиятларидан бири – уларнинг турли дори-дармон қабул қилиш натижасида юзага келадиган аллергияларни бартараф этишидир. Голубика мевалари аллергик реакциялар келтириб чиқармайди, аксинча, аллергик ҳолатларда фойдали таъсир ўтказади.

Бу голубиканинг яхши хусусиятларидан бири бўлиб, уни ҳатто диатез ва бошқа аллергик табиатга эга касалланган болаларни овқатлантириш рационига қўшиш мумкин. Голубиканинг бу хусусияти бетакрордир, чунки бошқа шу каби ўсимлик мевалари аллергик реакцияларга нейтрал, ёки кўп ҳолларда, ўзи аллергик реакцияларга сабаб бўлади.

## I ГОЛУБИКА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Тупроқ аралашмасини тайёрлаш

Голубика – парвариш қилиниши оддий бўлган ўсимлик ҳисобланади, аммо ушбу ўсимликни экиш ва ўстиришда тупроқнинг ишқорлилик даражасига алоҳида эътибор

бориши керак. Бу ўсимлик эволюциясида ўрмон тупрокларида ўсиб шаклланганлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Табиий ўрмон муҳитида голубика кўчатлари ботқоқ ёки парепар яқинида ўсади, аммо, шу билан бирга голубика тупроқнинг кучли намлиги натижасида яхши ривожланмайди. Голубика парвариши учун қандай таркибдаги торф талабиниади, голубика кўчатини экиш учун томорқа ёки дала улудлари экин майдонларининг қайси жойини танлаш керак?

Голубика учун аҳоли томорқа хўжаликлиари ёки фермер улудларида күёш нури яхши тушадиган ва кучли шамоллардан хоти бўлган жойлар танланади. Ёш кўчатларни экишда, юмшоқ ерлар ва тупроқ аралашмаси (торф, соз тупроқ, агроперлит, торф қуми, майда шағал) яхши бўлиши керак.

Голубика боғини барпо этишда кўчатларни экишдан оддин тупроқнинг таркибини жиддий ўрганиш керак. Бунинг унун бўлгуси голубика плантацияси учун ажратилган ер майдонининг тупроғи агрокимёвий таркиби яъни таркиби (минерал ва органик зарралар), тупроқ тури (кумли, гилли, торфли, ботқоқ) ва тупроқ ишқорлилиги – pH кўрсаткичи даражаси (кислотали, нейтрал, ишқорли) ўрганилади.

Тупроқ таркибидан олинган маълумотларга қараб, ер танлаш ва тупроқ таркибини созлаш мумкин. Яхши созил олиш учун, голубика кўчатлари тўйинтирилган озукага муҳтож эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. Шунинг учун кўчатлар экиладиган майдондаги тупроқни оддиндан тайёрлаш жуда муҳимдир. Тупроқقا торф, агроперлит, дарё қуми, майда шағаллардан ташқари минерал ва органик ўғитлар қўшилади. Улар кўчатларниш учун мўлжалланган уралар бўйлаб тенг равишида имланади.

Голубикани озиқлантириш учун талаб қилинадиган үғитлар меъёри – 1м<sup>2</sup> ерга калий - 35 г, фосфор - 15 г, азот 20 г, торф, гумус ёки чириган гүнг - 7 кг ни ташкил этади.



Голубика күчатларини әкиш учун тайёрланған, үғитланған чукурлар

Күчат әкіладиган ер 50 см чукурлиқда ковланади ва әнг тағига яхши дренаж ҳолатини яратып учун 5-10 см қалинликта майда шағаллар солинади, устидан соз тупроқ, торф, гумус ёки чириган гүнг, агроперлит, дарё қумидан ташқари минерал ва органик үғитлар күшиб тайёрланған аралашма билан тұлдирилади.

Тупроқнинг физиологик хусусиятларини яхшилаш, яъни тупроқ ичиде ҳаво айланишини яхшилаш учун тупроққа 1 квадрат метр учун 5 кг гача дарё қуми ва агроперлит күшилади. Күчат әкіладиган майдондаги тупроқни күздө тайёрлаш тавсия этилади. Агар ер майдони бағордан тайёрланадиган бўлса, тупроққа янги гүнг күшиб бўлмайди. Гүнг ўсимликнинг илдизини чиритиши мумкин.

Голубика, клюква ва брусника каби экинларнини мўттадил ўсиши, ривожланиши ва ҳосил бериши учун ишқорли тупроқ зарур. Улар учун тупроқ ишқориийлиги роқ кўрсаткичи 4-4,5 оралиғида бўлишини талаб қиласи.

Голубика күчатларини әкиш учун тупроқнинг ишқорлилигин даражаси мунтазам равишда текшириб турилиши керак.

ур ҳолларда тупроқни ишқорлаш чораларини күриш им. Агар ишқорлилик даражаси меъёридан юқори бўлса, а усимлик хлороздан азият чекишни бошлиайди. Бунинг аби шундаки, ортиқча ишқорлилик оқибатида микориза бурууглари нобуд бўлганлиги сабабли кўчатлар етарли ишда озиқлана олмайдилар.

### Тупроқ ишқорийлигини созлаш

Голубика кўчатлари барглари қизғиши рангга кирса, унда корли муҳит меъёрида эмаслигининг белгисидир. Бундай да, усимлик куртаклари ва шохларининг ўсиши тұхтайди. то куз ойларида баргларнинг қизариши одатий ҳолдир, аса усимликнинг қиши мавсумига тайёргарлик куришидан аж беради.



Тупроқни ишқорлаш

Тупроқ ишқорлилигини 4-4,5 оралиғида сақлаб туриш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

➤ Лимон кислотаси билан: 5 г лимон кислотаси кукуни 10 л сувда суюлтирилади ва 1 м<sup>2</sup> майдондаги кўчат шу эритма билан томчилатиб суфорилади. Натижа шуни кўрсатадики, дори тезда таъсир қиласди, ишқорланиш узоқ давом этмайди.

➤ Сирка (олма ёки оддий) билан: сирка кислотани қўллаш усули охирги чора сифатида амалга оширилади. Бунда ишқорлаш учун 10 л сувга 100 г сирка кислотаси қўшилган ҳолда эритма тайёрланади. Лекин ушбу усулни тез-тез ва кўп микдорда қўллаш ўсимликка салбий таъсир кўрсатиши ва тупроқдаги фойдали ҳашаротларни ўлдириши мумкин.

➤ Олтингугурт кислотаси ёки коллоид олтингугурт билан: сульфат кислотанинг эритмасини тайёрлаш учун 1 литр сувга 1 томчи концентрацияли кислота тайёрланиб, бу 1 м<sup>2</sup> майдон учун етарли бўлади.

➤ Оксалат кислотаси билан: 1 м<sup>2</sup> майдон учун 5 г оҳакни 10 л сувда суюлтириб кўчатлар суфорилади.

➤ Кўчатлар учун олтингугурт кукуни билан: олтингугурт кукуни голубика тури остидаги ерга бир текисда тақсимланади. 1 м<sup>2</sup> майдон учун 15 г кукун керак бўлади. Тупроққа олтингугурт кукуни сепмасдан олдин яхшилаб суфорилади, сўнгра кукун сепилади. Ушбу жараён баҳор ёки кузда кўчат экишдан олдин амалга оширилади.

Тупроқнинг ишқорлилик даражасини ошириш учун айрим модда ва воситалардан ошиқча микдорда фойдаланиш билан, бута барглари ва илдиз қисмига меъёридан ортиқ тушишига йўл қўймаслик керак, чунки ошиқча эритма ўсимликнинг қуришига олиб келиши мумкин.

Тупроқ ишқорлилигини 4-4,5 оралиғида сақлаб туриш учун боғбон резина қўлқопларда, пластик қўзойнақда ва тиббода ишлаши зарур. Агар ишқорли эритма тери ёки ишқорли пардаларга теккан ҳолда, иш дарҳол тұхтатилиши мүмкін. Ишқор таъсирини заарсизлантириш учун эритма теккан өнни сода ёки совун билан ювиш керак. Уй ичкарисига ишқорли эритмаларни олиб кириш таъкиданади, улар үзидан инсон организмининг нафас ишқорлидаги шиллик қаватларига салбий таъсир кўрсатувчи чиқаради. Эритмалардан фақат очиқ ҳавода фойдаланиш мумкин. Агар танланган худудда тупроқ етарлича ишқорли кўлмаса, у ҳолда самарали воситалар ёрдамида мустақил таъкида ишқорлантириш мумкин.

Тупроқни органик моддалар билан ишқорлаш ҳам мумкин. Бунда уй шароитида кўчатларни экишдан олдин торф, барг чириндилари (компост), қум, ярим чириган торф ва оғоч чириндисидан фойдаланилади.

Кўчатларни парваришлаш учун уй шароитида меъёрдаги тупроқли аралашма ҳосил қилиш мақсадида қўнгурлардан қатлам торфини олиш тавсия этилади. Унинг ишқорлилик даражаси – pH кўрсаткичи 4-4,5 оралиғидаги органик моддалардан иборат. Голубика таглари йилига уч маротаба қипиқлар ва ўсимликлар чириндилари қатлами мумкин мульчаланади.

Ўсимликлар ривожланиши учун тупроқни ишқорлашдан башкари, суфориш, тупроқни юмшатиш, бегона ўтлардан ташлаш, озиқлантириш, касаллик ва заараркунандаларга таъсири ишлов бериш ҳамда шакл бериш тадбирларини ҳам башкариш керак.

Кимовий ўғитлар билан бир қаторда, голубиканинг ташлаши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошириш,

шунингдек, уни қатор патоген микроорганизмлардан ҳимоя қилиш мақсадида микробиологик ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Аксарият микробиологик ўғитлар – биопрепаратлар таркибида ўсимлик илдизлари ва тўқималарида яшайдиган ризобактерия штаммларига асосланади. Кенг қўлланадиган ризобактерия турларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ *Azotobacter chroococcum* (азот ўзлаштирувчи, физиологик фаол моддалар синтезловчи, фосфор мобилизацияловчи бактерия);
- ✓ *Azospirillum lipoferum* (азот ўзлаштирувчи, физиологик фаол моддалар синтезловчи, фосфор мобилизацияловчи бактерия);
- ✓ *Bacillus subtilis* (патоген микроорганизмлар табиий кушандаси, фосфор мобилизацияловчи бактерия).

Шунингдек, *Bacillus*, *Pseudomonas*, *Trichoderma* каби бактерия ва замбуруғлар асосидаги микробиологик препаратлар ҳам мавжуд.

Бу биопрепаратлар қўлланганда тупроқлардаги биологик азот ва фосфор миқдори ортиб, голубиканинг ўсиши тезлашади, ҳосилдорлиги ортади. Бундан ташқари, касалликларга чалинишининг олди олинади.

Ҳозир кунда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалик экинлари учун “Биоазот-Н” ва “Биофунгицид” микробиологик ўғитлари таклиф этилаётган бўлиб, улардан голубикани етиширишда ҳам қўллаш мумкин. Бу биопрепаратларни суспензия ҳолида барги ёки илдиз орқали гектарига тупроқ шароитига кўра 5-10 л меъёрида қўллаш мумкин.

“Биоазот-Н” биопрепарати *Azotobacter chroococcum* бактерия штамми асосида тайёрланган. Бутун ўсиш даврида қўллаш мумкин. “Биоазот-Н” қўлланганда минерал ўғитлар сарфини 50-75% гача камайтириш мумкин. Шунингдек, ушбу биопрепаратни

микроэлементлар билан бирга құллаш ҳам мүмкін. “Биоазот-N” биопрепаратини тупроқ pH ини тушириш ва ундаги биологик жарынндарни тезлаштириш учун ҳам құллаш тавсия этилади. “Биофунгицид” биопрепарати *Azotobacter chroococcum* ва *Bacillus subtilis* бактерия штаммларига асосланған булиб, нағайқат ҳосилдорликни оширишда, балки голубика үсимлиги өсасаллукларига қарши курашда ҳам фойдаланиш мүмкін.

### Голубика күчатларини етиштириш усуллари

Голубика күчатлари вегетатив усулда қаламча, пархиша она илдиздан ажратиб олиш усулларида құпайтирилади. Голубика күчатини етиштиришнинг ушбу усуллари билан бутанинг илдиз ва илдизпояли новдалари, ҳамда бир ёшли шиги новдаларидан фойдаланилади. Голубика күчатларига қаламча тайёрлаш учун новдалар декабрь ва март ойларida кесиб олинади. Бунинг учун бир йиллик, яхши пишган новдаларни кесиб олиш керак бұлади. Декабрь ойда кесиленгандан новдаларнинг қотган қисмини кесиб олиб табиий мато билан үраш ва музлатгичда +3 +5 °C ҳароратда көзиңде көздеңде сақлаш керак. Февраль ойи охири-март ойининг бошларыда ҳам бир йиллик, яхши пишган новдаларини кесиб, қаламча тайёрласа бұлади.

Март ойда янги йиғиб олинған ва декабрь ойда табиий кесиленгандан новдалардан қаламча тайёрлашни бошласа бұлади. Новдалардан ниш урган куртаклари билан 10-15 сантиметр узунликдаги қаламчалар кесилиши керак (ниш урган куртаклари күп новдалар 7-10 сантиметр узунликда кесилса бұлади). Пастки қисми бурчак ҳолда қия кесилади, яғни кесма горизонтал ҳолатда, пастки қия кесилған бурчаги 1,5-2 сантиметр узунликда бўлиши керак. Голубика –

бу жуда қийин илдиз отадиган үсімлик, шу сабабли әкишдан олдин қаламчаларнинг илдиз ҳосиһ қилиш қобилятини ошириш учун уларнинг пастки қисміга ишлов бериш учун махсус илдиз отиш воситаларидан (стимулаторлардан) фойдаланилса фойдали бұлади.



Голубика новда қаламчаларини илдиз олдириш

Қаламчалар иссиқхонада махсус тайёрланған тупроқда илдиз отади. Иссиқхонада таҳталардан эни бир метр бұлған тұртбурчак рамкалар ясаш керак ва уни тоза чиринди, чириған гүнг (имкони бұлса чириған торф), тайёр компост ва құм аралашмаси билан тұлдериш керак. Голубиканың қаламчаларини иссиқхонада махсус тайёрланған жойға схемага күра  $5\times 5$ ,  $5\times 7$ ,  $5\times 10$  ёки  $10\times 10$  сантиметрга әкілади. Схемадаги қаламчалар орасидаги масофа, илдиз отган

Қаламчаларни тувакларга күчириб ўтқазишгача вақт давомийлигига боғлиқ. Қаламчалар экилиши билан субстрат өндиріб суғорилади. Ушбу махсус жойларга симли ёйларни ұрнатып плёнка ва қүёш нуридан сақлаш учун спондбонд (махсус түр) билан ұраб, термос ҳосил қилиш керак.



Қаламчаларни туманлатыб сугориш

Голубика қаламчаларининг илдиз отиш жараёни камидა ой давом этади. Шу вақт ичида қаламчалар сугорышни, шамолплатиши, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашишини талаб қиласы. Бундан ташқари, қизиб кетиш күчли совушнинг олдини олиш учун иссиқхонада өткөрмат режимини кузатып бориш керак. Қаламчалар илдиз өткөндан сұңг сим ёйлар, устидаги плёнка ҳамда спанбонд өлиб ташланиши ва ёш үсимликлар мунтазам равишида сугорилиши ҳамда озиқлантирилиши керак.

Май ойининг охири-июнь ойининг бошларыда ёзги шиппел новдалардан ҳам қаламчалар тайёрланади. Жорий үйл давомида үсіб шаклланған янги новдалари кескин

ҳаракат билан новданинг ўтган йилги қисми билан бурчак кўринишида пастга қараб кесилади. Тайёрланган қаламчанинг пастки қисмидаги барглар кесиб ташланади (новданинг узунлигига қараб 1/4 дан 1/2 гача), шундан сўнг баҳорда экилган қаламчалар каби қаламчанинг тупроққа экиладиган қисми экишдан олдин маҳсус илдиз оттириш стимуляторларга ботириб олинса фойдали бўлади.

Тайёрланган қаламчаларни барглари бир-бирининг устига тушмайдиган қилиб иссиқхонадаги маҳсус тайёрланган тупроқли, аввалдан тайёрланган маҳсус рамка ёки субстратли жойга экиш керак. Амалга кириб, кўкарган қаламчаларни илдиз отиш жараёни камида 1,5 ой давом этади. Илдизланиш даврида қаламчаларни мунтазам суғориш керак, бу қаламчаларда қолдирилган баргларнинг тушиб кетишининг олдини олади.

Иссиқхонада қаламчаларни доимий назоратга олган ҳолда қасаллик ва зааркунандаларга қарши курашиш ҳамда азотли ўғит билан енгил озиқлантириш керак, иссиқхонанинг ўта қизиб кетишининг олиб, тез-тез шамоллатибуриш лозим. Июнь ойида иссиқхонадан қопламали материалларни олиб ташлаш керак. Октябрь ойи охирида ўсимликлар 5-7 см тоза чиринди ва чириган гўнг аралашмаси қатлами билан қопланилиши керак. Ноябрь ойининг охирида ушбу қаламчалар экилган маҳсус жойларга симли ёйларни ўрнатиб плёнка ва спондбонд (маҳсус тўр) билан қоплаш керак. Ушбу шаклда ёш ўсимликлар қишлиайди. Эрта баҳорда, ёш ўсимликлар кўчатларини яхши ўсиши учун тувакларга ёки идишларга кўчирилади.



Голубиканинг илдиз олган кӯчатлари

Мамлакатимизда узум, анор кӯчатларини кўпайтириш ва ингилашда ишлатиладиган пархиш усулини ҳамма қишлоқ фуқаролари билса керак. Хориж маҳсус адабиётида пархиш усулини “америка усули” деб ҳам аталади. Бу жараён узоқ давом этади ва сизга бир нечта янги кӯчатларни олиш имконини беради. Бу усул билан ерга бутанинг алоҳида шохларини ётқизиш ва уни учки новдасини очиқда колдирган ҳолда аралашмали тупроқ билан яхшилаб ўмиш ва доимий намлаб туриш керак. Пархиш қилинган кӯчатларда 1-2 йилдан кейин илдиз пайдо бўлиши мумкин. Шундан сўнг, илдизли новдалардан бир нечтасини оналик тупидан ажратиб, янги жойга экиб парваришлаш мумкин.

Шунингдек, голубика тупидаги барча шохларини юнса тарзда, 20-25 см узунликда кесиб, кӯчат атрофидаги тупроққа минерал ўғитларни икки карра қўллаган ҳолда ва

шохлари кесиб ташланған түпни қипиқ қобиғи билан тұлық ва мустаҳкам ҳолда қоплаб, бутанинг атрофида табиий иссиқхона яратиш мүмкін. Қипиқнинг қатлами қалинлиги камида 25-30 сантиметрга тенг булиши лозим. Бу ҳолда, баҳорда янги үсіб чиққан ёш куртаклар қипиқ қобиғи ичида илдиз ҳосил қиласы. Бир йилдан сұнг, бута атрофи әхтиётлаб қипиқдан тозаланади ва илдиз отган новдалари кесиб олинниб, күчатхонага ёки пластик идишларга әкілади 1-2 йил үтгач, тайёр бұлған голубика күчатлари доимий жойға әкілиши мүмкін. Яна 1-2 йил үтгач, ёш үсимликлар биринчи ҳосилини бера бошлайди.



Голубикани бутасининг ер ости илдиз пояларидан ҳам күпайтириш мүмкін. Голубика күчатини күпайтириш учун үз илдиз тизимиға эга ёш, яхши ривожланған буталар танланади. Эрта баҳорда ёки кузда улар тупроқдан қазиб

линиши ва она ўсимликдан ажратилиши керак, шундан ойин уларни тувак ва идишларга ёки аввалдан тайёрланган міхсус күчатхоналарга экиш мумкин.

### **Күчатларини экиш, шакл бериш ва сұғориш усуллари**

Экиш учун соғлом ва стандарт иккى йиллик тувакларда етиштирилған ёпиқ илдизли күчатлар танланади. Күчатлар баҳор ёки куз ойларидан әмбебаптың күчтесінде жағынан таңлаштырылады.

Бир гектар майдонға камида 3000 туп күчат әкілади. Ёш күчатларни экиш учун шамолсиз, күёш нури яхши тушадиган жойни танлаш мүхим. Куёш иссиқлиги ва нурлари таъсирида ўсимлик яхши ўсади, мевалари ширина, буталар соғлом булади. Күчат әкиш бүйіча күрсатмалар:

- Ер танлаш, ерни әкишга тайёрлаш, үғит құллаш, ишқорлилық даражасини аниклаш, қазиши, юмшатиши шарттарынан үтказилади.
- Хандақлар диаметри – 1 м, чуқурлиғи – 0,5 м, уларнинг орасидаги масофа – 1,5 м бўлган ҳолда қазилади. Күчат әкіладиган ер 50 см чуқурлиқда ковланади ва энг тагига яхши дренаж ҳолатини яратиш учун 5-10 см қалинликда майданда шағаллар солинади, устидан соз тупроқ, торф, гумус өкичириган гўнг, агроперлит, дарё қумидан ташқари минерал ва органик үғитлар қўшиб тайёрланган аралашма солинади.

- Куёш нури ва шамол йўналишига қараб күчатларни тұзғыри жойлаштириш керак. Күчатларни парвариш қилиш учун ишлатиладиган агрегат ва механизмларни ҳисобга олган ҳолда қаторлар орасидаги масофа 3,0 м дан 4,0 м гача булиши мумкин. Қатордаги буталар орасидаги масофа нависусятларига боғлиқ. Кам ўсадиган навлар бир-биридан 0,6 м масофада, ўртача ва кучли ўсадиган 0,8-1,2 м масофада

әкилади. Йирик меваларни олиш ва йиллик шакл бериш учун буталар орасидаги қаторнинг оптималь масофаси 1,0 метр бўлиши мақсаддага мувофиқдир.

Тувақдан олинган кўчат илдизлари атрофидаги тупроқни намлаш керак, агар у жуда зич бўлса, у ҳолда майдаланиб сочилиб кетмаслиги учун эҳтиётлаш зарур. Чунки бу тупроқ таркибида фойдали замбуруғлар мавжуд.



➤ Хандаққа 5 литр сув қуйиб, ўртасига бир туп кўчат қўйиш, бўш жойни аввалдан тайёрланган маҳсус аралашма билан тўлдириш, бута илдизининг атрофидаги ерни бир оз зичлаб қўйиш керак.

➤ Тупроқнинг ишқордаражасини ошириш учун кимёвий воситалардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш керак.

➤ Агар ер майдони голубика экиш ва парваришиш учун белгиланган талабларга умуман жавоб бермаса, бу ҳолда 30-50 литр ҳажмли тувақларга эккан ҳолда парваришиш ҳамда етарли миқдорда узоқ йиллар давомида ҳосил

етиштириш мумкин. Бунинг учун юқорида айтиб ўтилган тартибда тайёрланган тупроқ аралашмаси тувакларга солиб күр бирига бир тупдан голубика күчатлари экилади ва ҳар иили бута ҳолатига қараб, талаб даражасида устки қисми шингиланиб борилади. Голубика кўп йиллик бута ҳисобланиб, ургача 50-60 йил давомида ҳосил бериши аниқланган.



Голубикани йирик контейнерларда ўстириш

**Ўсимликни ўғитлаш.** Голубикани ўғитлашда гектарига аммоний сулфат 90 кг, суперфосфат 110 кг ва калий сулфат 40 кг минерал ўғит сарфланади. Минерал ўғитларни охтиёткорлик билан аралаштириб, баҳорда бута тагига солиш лозим. Асосий шарт шундаки, минерал ўғитлардан калий хлоридни ишлатиш тавсия этилмайди, у ўсимликни куритиши мумкин.

**Шакл бериш.** Күчатларга ўз вақтида шакл бериш буталарни парвариш қилишда муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Учинчи мавсумдан бошлаб бутанинг яхши ҳисиши учун санитар кесиб шакл бериш амалга оширилади.

Шакл бериш натижасида қуриган ва шикастланган новдалар олиб ташланади, ҳамда бутанинг шохлари бир оз сийраклаштирилади. Шакл бериш натижасида бута эстетик соғлом бута кўринишини олади.

Шакл бериш – бу ҳар қандай ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига, шу жумладан голубиканинг ўсишига таъсир кўрсатадиган жуда муҳим ва самарали усул. Ушбу агротехник тадбир ёрдамида ҳосилнинг сифати ва миқдорини ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжидан келиб чиқиб сезиларли даражада ўзgartириш мумкин. Шакл бериш учун энг қулай муддат эрта баҳорда, яъни куртаклари очилгунча амалга оширилади. Қишигил бўладиган жойларда барглар тушганидан кейин, кузда амалга оширилиши ҳам мумкин. Кўчатларда касалликнинг кўпайиб кетишининг олдини олиш учун кесилган шохларни плантациядан олиб чиқиб ташлаш ва ёқиб юбориш керак.



Голубика бутасига шакл бериш

Голубиканинг 2-4 ёшли ўсимликларига шакл беришди

Бутанинг тагидан ўсадиган ўсимталар, шунингдек, нимжон ва эгилган новдалар олиб ташланади. Мевали буталарга ёш ва ундан катта) бошқача шакл берилади. Ҳосилга ирган барча буталардан ҳар йили шакл бериш даврида 5 ўндан катта бўлган шохлар кесиб ташланади. Агар резавор мевалар ҳажми эмас, балки ҳосилнинг миқдори муҳим бўлса, унда бута шохларини 6-7 йилгача қолдирилса бўлади. Киндай бўлмасин, бутанинг гулли куртаклари ўта кўп бўлган новдаларидан бир қисмини, шунингдек, нимжон ёки эгилиб отиб қолган новдаларни олиб ташлаш зарур. Бир йиллик новдалардан энг бақувват 5-6 тасини қолдирган ҳолда бутанинг ер устки қисмини доимий равишда янгилаб бориш тапсия этилади.

**Суғориш.** Голубика буталари сувга талабчан бўлгани ёзги мавсумда тупроқнинг қуриб қолишига йўл қўймаслик лозим. Хандақлар доимо нам бўлиши керак, аммо хандақларда сув кўллаб қолишига йўл қўймаслик керак. Илдизлар ер юзасига яқин жойлашгани сабабли ортиқча намлик натижасида улар чирий бошлайди. Тупроқ ўта қуриб ютишининг ва ерда қатқалоқ пайдо бўлишининг олдини олиш керак. Тупроқ намлигини 60-70% даражада сақлаш лозим. Суғориш кетма-кетлигини – ҳар уч кунда, кунига икки марта амалга ошириш мақсадгага мувофиқ. Суғориш учун кўпай вақтлар – эрталаб ва кечқурун. Вояга етган бутага шонинг иссиқлик ҳолатига қараб кунига 5 литргача сув керак бўлади. Суғориш – майда томчи томчилаб суғориш сулида ёки бутанинг остидаги тупроқни томчилаб суғориш сулида амалга оширилади.



Голубикани суғориш

Май-август ойларида әкінни күпроқ суғориш айни

мухимдир. Бу даврда, голубикалар мева беради ва шу билан ғирга келгуси йил ҳосилини берадиган буталар новдаларида тұп күртаклари пайдо болады. Ушбұдavrda намликетишмаслиги билан нафақат бу йил, балки келгуси йилда ҳам ҳосил нобуд болады. Үртача бир тупга ҳафтасига 10-15 літр сув керак болады. Бир мавсумда (таксиман 4 ой) 200 літргача сув талаб болады. Агар күн иссиқ ва қүёшли болса, буталарни суғорищдан ғашқари, уларнинг танаасига маҳсус пуркагичлар орқали совук сув пуркаш мүмкін. Бу буталар ҳосилдорлигини сезиларли дәражада оширади. Ушбу жараён үсимликни совутишга ёрдам беради, сув пуркаш орқали, ҳаддан ташқари иссиқлик туфайли үсимлиқда пайдо болған стресс йүқ қилинади ва фотосинтез үзлигі ортади. Үта иссиқ ойларда бое устига маҳсус түреткалар тортилса, яна ҳам яхши натижага эришилади.

**Қатор ораларига ишлов бериш.** Голубика буталарини сув ва озуқа моддалари билан тұлиқ таъминлаш фақат бегона үйлардан холи бұлған тақдирда самарали бўлиши мүмкін. Бу, иннича, кўчатларни экишдан кейинги дастлабки биринчи үйларда жуда муҳимдир. Ёш, етилмаган кўчатлар ёруғлик, сув ва озуқа моддаларининг етишмаслиги сабабли яхши ривожлана олмайди. Бундан ташқари, намва сояли микроклиматарни микроорганизмларнинг споралари тарқалиши ва юниважланишига ёрдам беради. Шунинг учун буталар яқинидә бегона үтлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Энг осон тупи – мунтазам бегона үтлардан тозалаб бориш керак. Қатор ораларига ишлов бериш ва бегона үтлардан тозалаш лозим. Бирнеше йўқотиш учун 2-3 марта культивация ёрдамида тупроқ амшатиласи да ва механизмлар ёрдамида ишлов берилиб, бегона үтлардан тозаланади.



Голубика бутаси тупрогига ишлов бериш

## Касаллика ва зааркунандаларига қарши курашиш

Маълумки, ноқулай экологик шароитлар туфайли заифлашган ўсимликлар касаллик ва зааркунандаларга сезиларли даражада мойил бўлади. Шу сабабли, қулай ўсиш ва ривожланишини таъминлайдиган барча агротехник тадбирлар зааркунандалар томонидан ўсимликларнинг заарланиши даражасини сезиларли даражада камайти ради. Табиатдан етарли миқдорда олинган ёруғлик, сува озуқа моддалари ўсимликларнинг ривожланишини ва касалликларга чидамлилигини оширади. Қуруқ ва иссик ҳаво эса ўсимликлар учун стрессли шароитларнинг келиб

## 40-китоб

Голубика етиштириш

чиқишига сабаб бўлади ва фомопсис, кулранг мөғор каби касалликлар ривожланишига олиб келади. Мульчалаш нафақат бегона утларни камайтиради, балки тупроқнинг гув-ҳаво ва термал ҳолатини яхшилайди, инфекция ўюқларини ажратиб туради, мульчалаш материал катлами остида фитопатоген организмларнинг нобуд булишига ҳисса қўшади. Балансли минерал озиқлантириш новдаларнинг нормал ўсиши ва ривожланишини, уларнинг бир қатор касалликларга чидамлилигини ва яхши шароитда ўсишини таъминлайди, шунинг учун кузда ва баҳорда муваффакиятли мульчалаш кўчатларнинг касалланишига қаршилик кўрсатади.

Аммо, биргина агротехник тадбирлар ёрдамида голубикани касалликлардан тўлиқ ҳимоя қилиш мумкин ўмас. Зарур бўлган ҳолларда пестицидлардан фойдаланиш керак ва бунинг учун ўсимликнинг касаллеклари ва зааркунандалар турларини, шунингдек, уларга қарши курашиш муддати, меъёри ва улардан фойдаланиш ўсулларини мутахассислардан сўраб билиш керак.

Голубиканинг энг кенг тарқалган ва заарли касаллиги – ўса саратон касаллиги (*Godronia cassandrae* Peck замбуруғи қўзғатади). Дастреб, новда куртаклари устида майдагизғиш доғлар пайдо булиб, улар катталашиб, куртакларни заарлайди ва новдалар куришига олиб келади. Худди шу касаллик кўпинча ёш ўсимликларнинг куришига сабаб бўлади. Илдиз саратонига қарши курашиш учун биринчи навбатда бута остида ортиқча намлик вужудга келишига иул қўймаслигингиз лозим ва илдиз атрофини белгиланган меъёрдаги азотли ўғитлар билан озуклантириш лозим.

Буталарнинг касалланган новдаларини доимий

равишда кесиб, ёқиб юбориш керак. Буталар гуллашидан олдин 7 кунлик интервал билан 3 марта ва резавор мевалар йигиб олингандан кейин 7 кунлик интервал билан 3 марта топсин (0,2% эритма) ёки эупарен (0,2% эритма) билан пуркаш орқали дорилаш яхши натижалар беради.



Голубиканинг саратон касаллиги

Голубикаларда *Phomopsis vaccinii* Shear замбуруғи таъсирида кўпинча новдаларининг қуриши учрайди. 2-3 см дан 30-40 см гача бўлган ёш новдаларнинг учлари қуриб, буришиб қолади. Инфекцияларнинг кўпайиши новданинг фаол ўсадиган уч қисмларида содир бўлади, кейин замбуруғ танадан новдалар бўйлаб пастга силжийди ва ўсимликнинг барча аъзоларига кириб боради. Шикастланган новдалар кесилади ва ёқиб юборилади. Кимёвий ҳимоя воситаларини қўллаш усули саратон касаллигига ишлов берилган тартибдаги каби амалга оширилади.

Кулранг моғор касаллигининг қўзғатувчиси (*Botrytis cinerea* Pers) замбуруғи ҳисобланади. Касаллик ўсимликнинг барча қисмларига таъсир қиласи: новдалар, барглар, гуллар, меваларнинг қуриши ва тўкилиб кетишига олиб келади.

Новдаларда касаллик юқоридан бута пастига тарқалади. Құзғатувчи таъсир қылган новдалар бошида жигарранг ёки қизил рангга айланади, кейин күл рангга айланади. Худди шу аломатлар гулларида ҳам кузатилади. Резаворлар сақлаш пайтида ҳам замбуруғ таъсири натижасида касалланиши мүмкін. Замбуруғлар қиши ойларида түкілган барглар мевалар, касалланған новда ва шохлар пүстлоқларида қишлоғайды. Касаллукка қарши кураш чоралари аввалги иккита ҳолатда бұлғани каби амалга оширилади.

Бундан ташқари, голубика буталаридан мева монилиози (резаворларнинг мүмиёланишига олиб келади), физалоспороз (новдаларнинг қуриши), баргларнинг оқ доғланиши ва эгизакли оқ доғланиши ҳамда бошқа касаллуклар учрайди. Касаллукка қарши курашиш учун эрта баҳор ва кеч күзде буталарга Ровраль фунгициди билан профилактик ишлов беріш амалга оширилади (0,1-0,2% концентрациялық эритма).

Голубика буталаридан вирусли ва микоплазмали касаллуклардан митти филаментли шохчалар, қизил ҳалқали нүкта, некротик дөң ва мозаика каби заараркунандалар ҳам учрайди. Барча ҳолаттарда касал үсімліктарни бутунлай олиб ташлаш ва ёқиб юбориш керак.

Голубика буталаридан бошқа турдаги мевали күчатларға нисбатан заараркунандалар камуchrайды ва улар жиiddий заарар етказмайды. Голубика плантацияларига бута күртаклари ва баргларини шира ва ҳашаротлар билан үраб озуқаланадиган үрмөн дараҳтлари барг қүртлари ҳам заарар етказиши мүмкін. Заарарлы ҳашаротлар ва заараркунандаларға қарши самарали кураш усууллари мавжуд (құлда тозалашдан тортиб, кимёвий моддаларни ишлатышгача бир нечта намуналар аникланған).

Голубика плантацияларига резавор меваларни суйиб истеъмол қиласынан қышлар сезиларли заар келтириши мүмкін. Голубика плантацияларни заарлы қышлардан ҳимоя қилиш учун буталарнинг устини түр билан ёпиш тавсия этилади.



Голубика плантациясини қышлардан ҳимоя қилиш

Голубика күчатлари учинчи йилда гуллашни бошлайды, лекин агар боғда фақат бир нави экилганды болса, чанглатишида

қийналиш мумкин, чунки ҳосилдорлик нисбатан паст бўлади (ўз-ўзини чанглатганда ҳосилнинг ҳосилдорлиги ва сифати насаяди). Яхши ҳосил олиш учун экин майдонига бир нечта навларни экиш тавсия этилади. Голубика гулларини тўлиқ чанглатиш ва натижада юқори ҳосилдорликка эришиш учун асаларилардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.



Голубика плантацияси ва асалари уялари

1 гектар майдонга 3-4 асалари уяларини қўйиш мақбулдир. Аммо бегона ўтлар ва ҳашаротларга қарши кимёвий ишлов бериш асаларилар учун хавфсиз эмаслигини унутманг. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳар бир фойдаланишдан аввал асаларичилар билан маслаҳатлашиш керак.

### **Ҳосилни йиғиб олиш ва қайта ишлаш**

Голубика меваларининг пишиш давомийлиги 1-1,5 ой давом этади. Турининг хилма-хиллигига ва иқлимга қарағ, бу ҳолат май-июль ёки июль-август ойларида содир бўлади. Эртапишар навлар майнинг биринчи ўн кунлигидан бошлаб, кеччишар навлар июль ойининг 2-дан 3-декадаларига қадар ўрта ва тўла пишиб етилади. Ҳар бир навнинг пишиб етилиш даврида 3 мартадан 5 марта гача мева ҳосили териб-йиғиб олинади. Резавор мевалар тўлиқ рангга эга бўлиб, пишиб етилганида кўл кучи ёки маҳсус комбайн билан териб олинади. Беш-олти йилдан кейин бир мавсумда гектаридан 15 000 кг атрофида голубика меваси ҳосили йиғиб олинади.





Голубика меваларини териш

Голубика ҳосили 1- ва 2-теримда мевалар йирик, яхши күринишга эга ва қиммат баҳоланади. 3-5-теримдаги резавор мевалар кичикроқ бўлиб, асосан қайта ишлаш учун ишлатилади. Йиғилган резаворлар 2-3 ҳафта давомида музлатгичда +2 °C ҳароратда сақланиши мумкин. Узоқроқ сақлаш учун, голубика мевалари шок усулида чукур музлатилади. Музлатилган резавор меваларнинг сақланиш муддати – 18 ой.



Голубика меваларини териш жараёни



Голубика меваларини музлатиши

## I Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хайтов А.А. Ўзбекистон иқлим шароитида аҳоли томорқалари ва саноат даражасида голубика қучатларини етиштиришни йўлга қўйиш, буталарини парваришилаш ва резавор мевалар етиштириш бўйича қўлланма. Тошкент. 2020, 36-б.
2. Сачивко Т.В.“Оценка сортов голубики в коллекционном питомнике ботанического сада УО БГСХА” УО “Белорусская государственная сельскохозяйственная академия”. 2018.
3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигига тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.
4. Кожевников Ю.П. Семейство вересковые (Ericaceae) // Жизнь растений. В 6-ти т. / Под ред. А. Л. Тахтаджяна. – М.: Просвещение, 1981. – Т. 5. Ч. 2. Цветковые растения. – с. 88 – 95.
5. Мазуренко М. Т. Голубика // Вересковые кустарнички Дальнего Востока (структура и морфогенез) / Отв. ред. А. П. Хохряков. – М.: Наука, 1982. – с. 120 12 7.
6. Морозов О.В. “Культивирование голубики узколистной (*Vaccinium angustifolium* Ait.) в Белорусском Поозерье” – Минск: БГТУ, 2016.
7. Курлович Т.В. “Голубика: многообразие видов” [и др.]. – Минск: Красико – Принт, 2010.

### Интернет сайти

1. East-fruit.com

## **AGROBANK**

 [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

 1216

 @agrobankchannel

 /agrobankuzbekistan

**Қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиш  
қатъиян тақиқланади**

ISBN 978-9943-7169-6-4



9 789943 716964